

“АЁЛЛАРНИНГ ОИЛА-ТУРМУШ ДОИРАСИДАГИ ЖИНОЯТЧИЛИГИНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ ҲОЛАТИ, УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ”

Боборахимов Абдор Бахрамович

*Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси Ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси фаолияти кафедраси ўқитувчиси*

Мухамедов Дилмурод Дилшод ўғли

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси курсанти

Аннотация: *Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган туб ислохотлар замирида ҳуқуқ-тартибот, ҳуқуқбузарликлар, шу жумладан жиноятчилик, уларнинг олдини олиш ҳамда унинг сабаб ва шарт-шароитларига қарши курашишга юксак эътибор қаратилмоқда. Сўнги йилларда аёллар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг, айниқса оила-турмуш доирасидаги жиноятлар хаддан ташқари кўпайган. Бундан келиб чиқадикки, аёллар томонидан нима учун айнан шу турдаги жиноятлар содир этилиши кўпайиб кетгани, уларнинг сабаб, шарт-шароитлари, уларга олиб келган омилларни ўрганиш, танқидий таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ечимини топиш зарур.*

Калит сўзлар: *хотин-қизлар, аёллар, аёллар жиноятчилиги, профилактика, метод, халқаро тажриба, тенденциялар.*

Ҳозирда жамиятдаги долзарб муаммо сифатида шаклланиб бораётган ва оила каби мукаддас бўғиннинг парчаланишига, унинг мавжудлигига хавф туғдираётган омиллардан бири ҳеч шубҳасиз, аёллар жиноятчилигидир. Айниқса, сўнги вақтларда уларнинг сони кескин ортиб бораётгани, эр-хотин ўртасида носамимий муносабатлар, турмушдаги турли хил сабаблар туфайли оиланинг бузулиши, айримлари эса ўлим билан яқунланаётгани ҳеч биримизга сир эмас. Статистикага назар ташлайдиган бўлсак аёллар томонидан содир этилган жиноятчилик 2015 йилдаги умумий жиноятчиликнинг 16.1% ни ташкил этган бўлса, олиб борилаётган ислохотлар самараси ўлароқ, ушбу курсаткич йил сайин камайиб, масалан, 2016 йилда 14.8% га, 2019 йил эса 11.8% гача камайган. Бироқ, 2022 йилда бу кўрсаткич 12.7% ни ташкил этган ҳолда бироз ўсган. Энг ачинарли томони шундаки, аксар ҳолларда аёллар томонидан ўғирлик, фирибгарлик ва қотиллик каби жиноятлар содир этилган ҳамда статистикада ушбу жиноятларнинг улуши катта.²⁴

Маҳаллаларда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикасини ташкил этиш бўйича мутлақо янги тизим яратилди. Хусусан, ҳар бир маҳалла, оила ва шахс кесимида жиноятчиликнинг сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этишда “фуқаробай”, “оилабай” ва “маҳаллабай” ишлаш орқали ҳуқуқбузарликларнинг

²⁴ <https://api.stat.uz/api/v1.0/data/jinoyat-sodir-etgan-shaxslardan-ayollarning-ulushi?lang=uz&format=pdf>

ижтимоий профилактикасини таъминлаш амалиёти жорий этилди. “Хавфсиз маҳалла” ва “Хавфсиз ҳудуд” тамойиллари асосида ички ишлар органларининг Миллий гвардия ва маҳалла жамоатчилиги билан ҳамкорликдаги ишлари қисқа вақт ичида ўзининг ижобий натижасини бераётгани биз учун катта аҳамиятга эга.²⁵

Охириги икки йилда ҳуқуқ-тартибот фаолиятига оид 10 та қонун, Президентнинг 40 га яқин фармон ва қарорлари, 60 дан ортиқ ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Президентимиз ўз нутқларида оилавий низолар, аёллар жиноятчилиги ҳолатларига ҳам эътибор қаратиб келмоқда. Ижтимоий-маиший муаммоси бор оилалар билан ишлаш – давлат идораларининг биринчи галдаги вазифаси бўлиши керак эканлигини ҳар бир селектор йиғилишларида, мажлисларда таъкидламоқда. Шунга алоҳида эътибор қаратиш лозимки 2022 йилнинг 1 март куни “Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-81 президент фармони қабул қилинди. Унга кўра ҳар бир шаҳарча, қишлоқ, овулда, шунингдек, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллардаги ҳар бир маҳаллада маҳалла раисининг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринбосари ҳамда оила ва хотин-қизлар масалалари бўйича мутахассис лавозими ўрнига хотин-қизлар фаоли лавозими маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш тартиби сақланган ҳолда бир нафардан жорий этилди. Хотин-қизлар фаоли маҳаллада ижтимоий -иқтисодий ёрдамга мухтож аёлларга ёрдам бериб, уларни қўллаб-қувватлайди. Бу эса ўз навбатида хотин-қизлар билан ишлаш фаолиятини, уларнинг бандлиги ва ижтимоий ҳимоясини ҳамда улар ўртасида жиноятчиликнинг кескин камайишига замин яратади.²⁶

2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси, Адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш деб номланган IV бобининг 69 мақсади сифатида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, жамиятда хотин-қизларга тазйиқ ва зўравонликка нисбатан муросасизлик муҳитини яратиш, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ёрдам кўрсатиш, уларни манзилли қўллаб-қувватлаш белгиланган.²⁷

Халқаро тажрибаларга ҳам қисқача назар соладиган бўлсак. Африкалик олим Р.Теренернинг изоҳлашича, Африкада содир этиладиган оила-турмуш доирасидаги жиноятлар асосан аёллар томонидан содир этилиб, унинг сабаби сифатида, оилада қайнона ва қайнотанинг эр-хотин ҳаётига бесабаб аралашуви уларнинг орасига совуқчилик тушишига олиб келади. Улар оилага аралашувнинг ҳар қандай кўринишига қарши курашишади ва шу орқали оиланинг тинч-тотув ҳаёти таъминланади.

²⁵ Боборахимов А.Б. “Ички ишлар органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳамкорлигини “Хавфсиз маҳалла” тамойили асосида” Journal of new century innovations international interdisciplinary research journal. Volume-19_Issue-1_December_2022 https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=Cx_Bhf4AAAAJ&citation_for_view=Cx_Bhf4AAAAJ:u-x6o8ySG0sC

²⁶ “Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-81 президент фармони, 7 банд : <https://president.uz/uz/lists/view/5055>

²⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон.: <https://lex.uz/uz/docs/5841063#5844198>

Японияда эса, фарзанд тарбияси асосан аёллар томонидан берилгани, отанинг оиласи ва фарзандларига эътибори камлиги туфайли оилавий низолар келиб чиқади, фарзандарнинг улғайиб отанинг тарбияси етишмаслиги оқибатида, ўз ота-онасига нисбатан зўравонлик қилиши, айниқса онасига нисбатан, хаттоки жинсий зўравонликкача бориши инсонни ларзага келтиради.

Миллийлигимиз ва минг йиллар давомида шаклланган менталитетимиз, муқаддас динимизша кўра оилада қайнота-қайнонанинг ўз ўрни бор. Бироқ, охири вақтларда ўзимизда ҳам уларнинг бебабаб ёки арзимас сабабларни баҳона қилиб эр-хотин орасига совуқчилик тушириши, келин-қайнона, келин-қайнота орасида низо ва жанжаллар кўпаймоқда. Шунини инобатга олган ҳолда оила аъзола орасида мувозанат ва самимий алоқаларни мустаҳкамлаш ва сақлаб қолиш мақсидида оилани бузишга қаратилган ҳар қандай кўринишдаги уринишларга нисбатан жавобгарликни қонунчилигимизга киритиш зарур. Шу орақали, оиладаги тинч-тотув ҳаёт, фаровон келажакни таъминлаш мумкин.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 18 февралдаги ПФ-5938-сон Фармони, унинг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Оила институтини янада ривожлантириш ва ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 820-сон қарори қабул қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ҳамда Ёшлар ишлари агентлигининг туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимлари ҳузурида Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш марказлари ташкил қилинган.

Марказларни ташкил қилишдан мақсад, никоҳланувчи шахсларни оилавий-ҳуқуқий муносабатлар, оилавий ҳаёт психологияси, оила иқтисоди ва бюджети, репродуктив саломатлик асослари, маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш масалалари бўйича тизимли тайёрлаш, оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, оилавий ажралишларнинг олдини олиш, никоҳланувчи шахсларда оилавий қадриятларни ҳурмат қилиш, оилаларда соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни яратиш ҳамда ибратли ота-она бўлиш кўникмаларини шакллантириш, ташкил этилган ўқув машғулотлар ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, юқори маънавий-ахлоқий фазилатларни тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, мустаҳкам, тотув ва бахтли оила яратишга кўмаклашиш, уларга анъанавий оилавий қадриятларни сингдириш, шунингдек, оиланинг замонавий моделини шакллантиришга қаратилган.

Ўқув жараёнининг давомийлиги тўрт кундан, машғулотнинг давомийлиги 45 дақиқани, ўқув жараёни, қоида тариқасида, 15 жуфт никоҳланувчилар иштирокида ташкил қилинган. Ўқув машғулотларида тўлиқ қатнашган тингловчиларга сертификат тантанали равишда топшириш белгиланган. Бироқ, ушбу фармон ва унинг асосида қабул қилинган қарорнинг ижроси сўнги вақтларда сезилмаяпти, буни биз оилавий ажримларнинг кўпайиб бораётгани, оилавий можаро ва жанжалларнинг сони тобора

ортиб бораётгани, оилавий кадрятларни сақлашга эҳтиёж туғилаётганидан, Марказлар фаолияти айрим туман(шаҳар) ларда йўлга қўйилгани, айримларида эса ҳали йўлга қўйилмагандан билиб олишимиз мумкин. Шу сабабли, марказларнинг фаолиятини қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-81 президент фармони, 7 банд : <https://president.uz/uz/lists/view/5055>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон.: <https://lex.uz/uz/docs/5841063#5844198>
3. Боборахимов А.Б. “Ички ишлар органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳамкорлигини “Хавфсиз маҳалла” тамойили асосида” Journal of new century innovations international interdisciplinary research journal. Volume–19 Issue–1 December 2022 https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=Cx_Bhf4AAAAJ&citation_for_view=Cx_Bhf4AAAAJ:u-x6o8ySG0sC